«ХИНД ИХТИЛОЛЧИЛАРИ»
Театр китоби. А.Фитрат асари

Бизда хам мухаррирлик бир санъат холига кира бошлади. Хозир кўзга кўринарлик асарлар майдонга келди. Турли журналлар, адабий парчалар, шеър мажмуалари, театр китоблари шу каторидадир. Буларни секин-секин кўруб чикмок, илмий асарларни илмий жихатдан, фанний асарларни фан назаридан, таълим-тарбияга оидларини ўз тўгрисидан, адабийларини хам санъат ўлчаги билан ўлчаб, текшириш вакти, кискаси, «интикод-такриз» замони келди. Интикод-такриз камчиликларни тўлдирмок, тузукларини билмак, танимок учун биринчи куролдир.
Мана бу йўлда озгина хизмат бўларми экан деб биз кўлимиздаги «Хинд ихтилолчилари»ни, якиндагина Берлинда босилгон шу беш пардалик театр китобчасини, кучимиз етганича, кўруб чикмокчи бўлдик.
Шу йўлда биринчи кадам бўлгони учун камчиликлари кўб бўлур. Оркадошларнинг химмати бўлиб кўрсатилса, секин-секин хакикатга эришмак мумкин бўлур.
Бошлаб асарнинг мундарижасини кўрсатайлик.
Вокеа — отидан хам маълум бўлгони каби — Хиндистон ихтилолчилари турмушидан олингондир. Вокеанинг кахрамони Рахимбахш отлик бир йигит билан Дилнавоз деган бир киздир. Буларнинг муошакаси, Хиндистон тўгрисида мубохасалари, англиз юзбошисининг хирси оркасида буларнинг камокка олинишлари, кутилишлари, яширин кўмитада бирга ишлашлари, кўлга тушишлари, окибатда англиз юзбошисини ўлдириб, буткул кутилишлари ва бошка оркадошлари билан бирга хинд кутилиши учун ахд-паймонларидир.
Асарда тасвирлар, хаяжонлар анча тузук ва мукаммал. Айникса, Рахимбахш ва Дилнавознинг сўзлари жуда таъсирлидир. Баъзи жойлардагина ахамиятсиз мусобахалар истисно килинса, бу икки кахрамон рўли яхши деярликдир. Уларнинг биринчи пардадаги ошикона мусобахаларида учрайдиган тубандаги жумлалар чин ва янги сўзлардир.
«Юрак — юрак экан, севмак-севилмак истар», «Севгисиз колгон юрак — сувсиз колгон балик кабидир, унинг хар тебраниши бир жон чекишидир». Шу пардада Рахимбахшнинг Дилнавозга сўзлаган «юртни севганлар унинг тош, тупрокларини эмас, гўзаллик, яхшиликларини севарлар» ва «кулай ишдан буюк унум чикмас, буюк унумли ишлар кулай бўлмас» каби зарбмасал ўрнига ишлатмак жуда мувофик бўлгон маъноли сўзлар бордир. Айникса, «бир ёвни юртдан хайдамок бир юртни ёв кўлида кўрмакдан кийин эмасдир» каби ватанпарварликнинг самимий ва энг хаяжонли таъбирлари кўбдир. «Шу Куръон бетига хайвон оёги тегмаги на эса, хинд кизининг юзига англиз кўзи тушмак хам шудир» ташбехи хар канча кўпол бўлса хам яхшидир. «Ишонгонлар ишонмагонларни енга олмаслар» каби энг чукур маъноли насихатлар, хакикатан, англайтургон кишиларга катта бир дарс, ибрат бўларликдир. «Тирик экансиз - тебранурсиз, тебранмас экансиз - ўликсиз» каби бизнинг хозирги турмушимиз ва тирикчилигимизга мувофик калтаклар асарнинг энг фойдалик жумлаларидандир.
Юкоридаги ватанпарварона ва теран маъноли сўзлардан Рахимбахшнинг тўла

маълумотли бир киши бўлгони ва асарда унинг махбубаси Дилнавознинг сўзлари, унинг-да, анчагина ўкугон бир киз эканин англатадир. Факат асарда бу икковининг узок сухбатлари устига Лолахардаёл деган бир хинди олим кишининг узундан-узок нутки орасида бирдан-бир «юртимиз ёниб турадур, улусимиз эзилиб битди, эшитасизми» каби муносабатсиз бир мурожаат совук чиккан. Сўнгра бундай бир хитобнинг кимга айтганини ёзувчи ўйламогон кабидир. Чунки асарда кўрилган каби, Рахимбахшнинг сўзлари Лолахфдаёл сўзларидан, мухокамаларидан юксакдир. Савияси тубан бир кишига Рахимбахшнинг бунча мухаббат ва хурмат курсатиши жуда табиий кўрилмаса хам учрамоги мумкин холлардандир. Бу саволни кўйишдан балки мухаррир таъсирнинг юкорирок даражасини кўрсатмокчи бўлгондир. Лекин, эсизки, бунга муваффак бўла олмагон. Шунинг учун унча чиройлик чикмагон.

«Эр билан хотуннинг кўбрак гапиргани, мачитда йигилиш, бир-икки кишининг бирга сухбат килиши» каби турли иборатлар билан келтирилган бир мазмун, яъни англизнинг йигинни ман килгони асарнинг 4-5 жойида зикр этилган. Бу эса буюк камчиликдир. Чунки баъзи бир жойларда маълум бўладирки, ёзгувчи кишиларга сўз, мавзу топа олмайдир. Шунинг учун бу ортикча нуксон лозим кўрилгандир. Бу эса асарга жиддийрок ахамият берилмаганликни, бир оз чарчаганликни кўрсатадир. Бўлмаса, албатта бошка мавзулар топиш мумкин бўлса керак.

Лохурнинг теварагидаги кишлоклардан бирисида яшагувчи Рахимбахш билан Дилнавознинг сухбатлари устига Лолахардаёлнинг каердан ва кандай бўлиб келиши унча тасодиф кўрилмаса хам, хиднинг камбагал, кишлоки бир дехкони огзидан «шу кетмон билан англизнинг бошини эзмасак, хеч ким ташкаридан келиб бизни куткармас» каби буюк тушунчали сўзларни чикиши хакикатан гайритабиийдир. Мана шу хол асарнинг энг катта нуксонларидан биридир. Чунки бунда тирикчилик борича тасвир этилмаган, хеч бир вакт бир хинди кишлоки дехкони шунча тушунчага молик эмасдир. Буни бизнинг энг буюк (?) мутафаккирларимиз англамагон экан. Бир хинд кишлокиси албатта тушунмас, ё шу эътирозни кабул килиш ёки бир хинд дехкони бизнинг буюкларимиздан ортик деб санаш керак, бунга эса мухаррир ихтиёрликдир.

Фитратнинг асарларининг бир ортикдиги унинг юксак ва энг мукаммал ташбех, муболага ва истиораларга эга бўлишидир. Хакикатан, Рахимбахшнинг Дилнавозга ундаган сўз «янгигина очилгон кайги чечаги» истиораси ва «уларга (англизларга) карши тирногимизда ярокдир» каби мазлумларнинг хаксизлиги яхши тасвир этилган муболагалари кўрилмаган ва эшитилмаган даражада чиройлик ва туталдир.

Энди иккинчи пардага ўтайлик. Иккинчи пардада Мулла типи яхшигина тасвир этилган. Бу асарда энг мукаммал чиккан тип шудир. Сўзлари чинданда ўзига муносибдир. Ёзувчи хакикатан шу Мулла типига жон бера олгон, зотан Фитратнинг истар форс-ча, истар туркча асарларида турмушга ва хакикатка мувофик тасвир этилган бир тип доимо Мулла, Мударрис типидир.

Шу пардада кўрсатилганича, маълум бўладирки, ихтилолчилар билан Мулла бир маслакдадир. Ихтилолчиларнинг хар сирларига Мулла вокиф, чунки Мулла ихтилолчиларнинг энг якин оркадошларидандир. Шу холлардан билинадирки, Мулла яширин кўмитанинг фаол; аъзоларидандир. Шу билан бирга ишлаб юрган Муллани англизларнинг бири келиб, бир Куръон ва бир оз пул ваъдаси билан ўз фикридан кайтарадир. Мулла шу ондан бошлаб ихтилолчиларнинг фикрига карши тура бошлайди. Ва окибат иш шундайгача келадики, Мулла ихтилолчиларни ўз уйидан кувади. Хатто ўзи шу калъанинг каттаси бўлгони учун ихтилолчиларни кўргондан чикишга таклиф килади.

Ихтилолчилардан бири Муллага карши жуда каттиг иборатлар кулатадир. Масалан, айтадир: «Сиз Муллалар туташ шундай киласиз. Хиндистонни йилларча эл-аймок жанжаллари билан тўлдирдингиз, улусни етмиш тўрт бўлак килдингиз, бўлашмак истадингиз. Яна мазхаб, дин жанжаллари билан йўлимизни тўсмокчи бўласиз, кетингиз, йўколингиз, биздан узоклашингиз, бизни бу йўлдан сиз-да, мазхаб-да, дин-да кайтармас» каби. Бу сўзлар Мулла бир оддий киши бўлсун, бир кўргоннинг бошлиги бўлсун, унга албатта таъсирсиз колмас. Холбуки, булар бир мўътабар, нуфузли бир Муллага, хатто бир кўргонниът эгаси бўлгон амру нахий сохиби бир Муллага айтилалир. Бундан кўз юмиб кўрайлик: Мулла англиз алдови билан булар билан ёмонлашди; Мулланинг гарази окча: шу окча учун нималар килмас ва килолмас! Бунииг устига Муллага яширин кўмитанинг сирдоши сифати билан бокайлик. Сирдош бўлгондан кейин у Мулла ихтилолчиларга кандай мудхиш душман ва англизларга канча буюк ёрдамчи бўлиши бир оз ўйланса англакур. Иш шу холда экан, бизнинг бошимизга шу фикр келур. Мулланинг шунча оддий пул, фаросат ва жон толаб бир киши бўлгони халигача ихтилолчиларга маълум бўлмаса, яъни уни тузук ва яхши танимай ўз ораларига олгои бўлсалар, бу - ихтилолчиларнинг энг буюк тадбирсизликларидир. Йўк, била туриб уни ораларига олиб, кўмитаиинг яширин сирларини унинг олдида айтсалар — бу хам ихтилолчиликни билмаслик, ул ишларини англамасликдир. Ихтилолчиларнинг бу киликлари ўзларига карши хеч бир куч ва монеъ кўрмаган чокларида балки мумкин бўлар. Холбуки, асарда кўрсатилганидек, англиз хукуматининг энг мудхиш ва каттиг таъкиби остида бу мувофик эмас.

Бу-да асарнинг камчиликларидан бири, хатто бузадургон нуксонларидан. Мухаррир шунда хам табиийликдан чиккан.

Сўнгра биз кўрамизким, у Мулла тирик колгон. Бу хаммасидан ажиб: хеч мумкин бўлурмиким, аввалда энг якин сирдошларидан бўлиб, сўнгра ёвлашкон бир кишини бир яширин кўмита тирик колдирсун. Бу — бир жамият хам яширин ва ўлум панжасида бўлгон бир жамиятдан хеч мумкин эмасдир.

Бунинг устига Мулланинг шу муомаласига карши кўмитанинт фаол аъзоларидан бири бўлгон Абдусуббухнинг юкорида кўрсатган каттиг сўзларини кўшсак, бу ихтилолчиларнинг кичик болалар экани англашилур. Мустакбал бир душманни ўзини саклай олмай бутун юраги билан сўка бошлаши болалик бўлмаса, ахмокликдир. Мухаррирнинг максади ихтилолчиларни танкид бўлса эди, бундан кўз юмиб ўтар эдик. Холбуки, бутун асарнинг рухи ихтилолчилар томонида экани хар кадамда кўриладир. 3-пардада уч англиз мингбошисининг хинд ихтилоли хакида мусобахалари кўрсатиладир. Лекин буларнинг мусобахаларида жуда оддийлик кўруниб турадир. Бириси хинд ихтилолчиларининг жиддий ишга киришганликларини ва бунга сабаб бу кунги хол эканини бошкаларга «хабар» берадир. «Хабар» берадир дедик. Чунки бошкаларининг жавоб ва харакатлари хакикатан шу ишдан тамом узокда бўлгонликларини кўрсатадир. Холбуки, сўзларидан Хиндистонга якиндагина келганликлари кўринмайдир. Фараз килайликким, булар якинда келган бўлсунлар. Лекин шунда хам англиз мингбошиларининг Хиндистон ахволидан хабарсизликларига кишининг ишонгуси келмайдир.

Боёги «хабар»га жавоб ўларок иккинчиси «у кандай хол» сўрогини берур, биринчи мингбоши томонидан сабаб килиб «умумий уруш, урушга Туркиянинг кўшилмоги, Олмониянинг енгилмай туриши» кўрсатилгач, бошкалари «ха, ха» деб оддийгина кулиш аломати кўрсатадирлар. Яна бири баённома таркатишдан сўз очса, бошкаси «буларнинг

яширин бир ўчоклари бордир», деган бир эхтимол жумласи ишлатадир ва ўзининг сиёсий ишларидан хабарсизлигини билдирадир. Яна бундай мисоллар кўбдур. Качондан бери Хиндистонда ишлаб юрган ва асарнинг кўрсатганича инкилобий холнинг бунча кайнагон бир чогида бир англиз мингбошисининг бу хабарсизлигига нима маъно бериш керак?

Шуни хам айтиш керакки, харбий кишилар, айникса, англиз мингбошилари огир ва кибор харакат кўрсатишлари керак экан, асарда «хўш», деб ўрундигини илгари суриб, оддий харакат кўрсатишлари, юкоридагидек маълумотсиз, билимсиз, хабарсиз бўлсалар, бу киликлари муносиб тушса хам, бир англиз мингбошисига келишмай турадир.

5-нчи пардада англиз юзбошиси тарафидан тутулгон кочок ихтилолчи Бадринант юзбошисининг «бу тогликда бошка тогин жойларингиз борми», деган сўрогига «бу сизнинг ишингиз эмасдур» каби каттиг жавоб кайтарадир. Юзбоши эса сўнгра жим бўладир. Ана бу хам ёзгувчининг тилагига хилоф бир ходиса. Чунки мухаррирнинг мумкин кадар англизларнинг каттиг муомалаларини кўрсатмакчи бўлмаса эди, биринчи пардада муболага ўларок Рахимбахш билан Дилнавозни тутдирмас эди. Холбуки, бунда шунча ёмон муомалага карши мужассам бир душманки, хатто бир бахона билан ўлдирмак мумкиндир. Жим кўядир.

Мана шу жойда мухаррир факат тилагига карши бир ишкина килмайдир, балки бир хато хам киладир. Бунда англиз ўз хакки бўлмогонини ихтиёр килгонда, гўёки англизнинг хак берганини кўрсатадир, чунки уни жим колдирадир. Бу бир.

Сўнгра хеч бир оддий амалдор кўлидаги муттахам бир гунохкордан «бу сизнинг ишингиз эмас» каби сўз эшитмакка рози бўлмайдир. Хол шундай экан, бир англизнинг буни эшитиб жим туриши ахволга номуносибдир.

Худком, худпараст, мутакаббир англизнинг хали хиндилар каби Оврупонинг энг тубан миллати назарида хам вахший саналадургон бир кавмни кўйинг, ўз миллатидан бошкасига муомала кандайлигини билмаган бир бола йўкдир. Холбуки, мухаррир шундай очик бир нарсани тўгри бўлмагон бир рангга соладир.

Бу эса мухаррирликнинг энг биринчи шарти бўлгон «рухга нуфуз» килмасликдир.

Бир озда асарнинг тил-шева жихатини кўрайлик.

Фитратнинг ўзбекчаси умуман силлик соф эмасдир. Ўкугонда чекилмасдан чикилмас. Бу тилнинг ишланмаганидан келадиган десак, бошка бир ёзгувчимизнинг, масалан, Чўлпоннинг тасвири софдир. Кучлик чекмай ўкимок мумкин.

Маълумки, Фитрат ўзбекчага ишламак учун Бухорода ўйлади. Тахсили туркийда бўлгон эди. Шахар тили тожик тили. Тилни китоблардан, лугатлардан ўрганмакка тўгри келди. Тошкентда тургон вакгларида бу ернинг бузук шевасини ёктирмай доимо лугат ўрганмак билан машгул бўлди ва ўзига махсус бир шева билан сўзлашди. Шунинг учун биз ўйлаймизким, Фитрат тилни халк билан якинлашмай туриб ўрганганидан ва ўзбекчанинг махсус таъбирларини эшитмаганидан шеваси бошкачарок чикди.

Шундай бўлса хам Фитрат ўзбекчани иккинчи катла тиргизди. Туркистонда ўзбекча нарсалар ёза оладургон бир киши йўк экан, у асарлар ёзди, таркатди. Кўб сўзлар ва истилохларни умумлаштирди. Бу кунги мухаррир ва шоирларнинг барчаси Фитратдан истифода килди.

Бухоро тилининг таъсири ўларок «бориб билмайман, килиб билмайман...» каби сўзлар бор. «Ўлалар, кечиралар» каби истеъмол килинмагон таъбирлар, «хормагайлар, бор бўлгайлар»га ўхшагон эшитилмаган истилохлар, «бунга кетур, шунга турур» каби бузук сўзлар учрайдир. «Нотетик хариф экан бу» каби усмонлича таъбирлар хам топиладир.

Булар «Фитрат ўзбекча»сининг хусусиятларидандир.
Хулоса: «Хинд ихтилолчилари» бизнинг адабиётимизда биринчи ўрунни тутадургон асарлардандир.
Мукаммал тасвирларга, истиораларга, муболагаларга бой бир асардир. Фитрат адабиётимизда ишк хаяжонларини яхши тасвир этадургон бир мухарриридир. Унинг хар асарида шу ишк ўрунлари, юксак маънолларга бойдир. Турлик хуш маънолар, энг яхши ўрунларга келтирилган лутфлар кўбдир. «Менинг учун эзгулик тушда» ва «биз Овруподан эм истаганлардан эмасмиз» кабилар шу жумладандир. Асарнинг 4-нчи пардаси бошидан 3 бети олинса, бошка хаммаси факат хинд ихтилоли мавзуидир. Бутун кишилари факат шу вокеани майдонга келтирмак учун бир ерга тўплангон кишиларга ўхшайдир. Яъни, вокеа атрофлича, бир оз маишатга якин ёзилгон эмас. Агар шу камчилиги тўлдирилса, хам пардаларнинг кискалиги етган бўлса, хам хакикатан ўйнашга энг мувофик ва фойдалик бир асар чикар.

Бу макола «Туркистон» газетасининг 1923 йил 17 октябр сонида чиккан.